

Индонезияда молияси барқарор ривожланмоқда



10:52 / 12.11.2023 1593

Индонезия молия хизматлари бошқармаси (ОЈК) Индонезияда ислом молияси ривожини бўйича ҳисобот чиқарди. “Миллий иқтисодий барқарорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ислом молиясини кучайтириш учун ислом иқтисодиёти экотизими имкониятларини кенгайтириш ва рақамлаштириш” номли ҳисоботга кўра, ислом молияси соҳасининг ўсиши кузатилмоқда.

Индонезия **ислом молияси саноатининг жами активлари** қиймати ўсишда давом этди ва 2,375.84 триллион Индонезия рупийси (IDR)га етди (тахминан 150 млрд. АҚШ доллари) ёки ўтган йилга нисбатан 15,87% га ошди.

Мамлакат **Ислом банк тармоғи** барқарор ривожланишда давом этмоқда. Тармоқнинг умумий активлари 802,26 триллион рупийга (тах. 51.12 млрд. АҚШ доллари) тенг бўлди (яъни ўсиш йиллик 15,63% га тенг бўлди).

Ислом нобанк тармоғининг жами активлари қиймати 146,12 трлн. рупийга (тах. 9.31 млрд. АҚШ доллари) тенг бўлди (ўсиш ўтган йилгига нисбатан 20,88% ташкил қилди).

Ислом молия бозори ҳам ўсишда давом этди, буни ислом қимматли қоғозлари – сукуklar чиқариш кўпайишини бунинг исботи сифатида кўриш мумкин.

Ушбу ҳисобот соҳага қизиқувчи томонлар учун, ҳамда ислом молия соҳаси ва маҳсулотларини тарғиб қилиш ва шу орқали соҳани ривожлантириш мақсадида тайёрланган.